

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИНЖИНЕРЛАРИ ИНСТИРРИГАЦИЯ ВА  
КИШЛОК

ХУЖАЛИГИНИ ХАНИЗАЦИЯЛАШ ИТУТИ

**«ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ»**

КАФЕДРАСИ

Доцент: Утепов Б.Б.

ТОШКЕНТ-2020 й.



# ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Алоқа воситалари ва хабарлаш тизимининг асосий вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар. Вазирлик ва идораларнинг вазифалари.
2. Республикада, вилоятда, шаҳарда, туманда ва иқтисодиёт объектларида алоқа ва хабарлашни ташкил этиш.
3. Хабар бериш сигналлари ва уларга биноан аҳолининг ҳатти-ҳаракатлари

# АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни. 20 август 1999 й.
2. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" ги Қонуни. 26 май 2000 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2008 йил 26 декабрдаги «Вазирликлар ва идоралараро кундалиқда ҳамкорлик қилиш ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ахборот алмашинуви йўриқномасини тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида»ги 3-сонли буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-Қарори.



Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг – 5 моддасида *Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек ташкилот ва корхона раҳбарлари аҳолининг ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар ҳақида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида, улардан аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари “шарт”* деб таъкидланган.

## 2. АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ ВА ХАБАРЛАШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ)ни ишлаш режимларини ўрнатиш сигналларини (командаларини) вақтида бериш (узатиш) ва қабул қилиш;
- ФВДТ бошқарув органлари ўртасида пастдан юқорига ва юқоридан пастга ахборот алмашинувини ишончли бўлиши;
- Фуқаро муҳофазаси бўлимлари, бошқармалари, хизматлари ва кучлари билан ахборот алмашинувини таъминлаш;
- ФВДТ бошқарув органларининг башорат қилинган ёки содир бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисида аҳолига ўз вақтида хабар бериши.

# Алоқа ва хабар бериш тизими қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- *БАРҚАРОРЛИК;*
- *ҲАРАКАТЧАНЛИК;*
- *ЎЗ ВАҚТИДА БЎЛИШИ;*
- *ИШОНЧЛИЛИК;*
- *ЯШИРИНЛИК.*



## Барқарорликка:

- Бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг зарарлантирувчи омилларини эътиборга олган ҳолда алоқа тизимини ташкил этиш;
- Алоқа узеллари қисмларини ҳимоя иншоотларига жойлаштириш;
- Турли алоқа воситаларини биргаликда қўллаш;
- Алоқа захира куч ва воситаларини тузиш, уларни тўғри жойлаштириш ва ўз вақтида қўллаш билан;



# Ҳаракатчанликка:

- Алоқа тизимини ёйиш ва қисмларини йиғиш вақтини камайтириш;
- Алоқа куч ва воситаларини тўғри жойлаштириш ва захираларидан тўғри фойдаланиш;
- Алоқа каналлари, кучлари ва воситалари билан тезликда ҳаракат килиш билан;
- Алоқа тизимини тезлик ва барқарор бошқариш билан эришилади.

## ВАҚТИДАЛИЛИГИ:

- Алоқа тармоқларини бошқарув пунктларида аввалдан ўрнатиб ишга тайёрлаб қўйиш бўйича ташкилий ва муҳандислик техник тадбирларини ўтказиш;
- Тезкор ва барқарор бошқариш;
- Ўзаро ахборот алмашилиш ва кўрсатув олиб бориш бўйича қабул қилинган қоидаларга риоя қилиш;
- Узатилаётган ахборотлар ҳажми сўз жихатидан кам ва маъно жихатидан тушунарли ҳамда фармойиш ва хабарларни бир қолипга солиш;
- Алоқа тармоқларида тезкор-техник хизматни аниқ ташкил қилиш ва ахборотлар ҳаракатини қаттиқ назоратга олиб бориш.

# Алоқа тизимини ишончилиги:

- Алоқа каналлари ва воситаларининг техник тавсифини ўрнатилган (қабул қилинган) параметрларда сақлаб туриш;
- Ўта муҳим ахборотларни узатиш учун юқори сифатли каналларни қўллаш;
- Бир пайтнинг ўзида битта канал орқали хабарларни қайтатдан узатиш;
- Орқага текшириш ва ўта ишончли аппаратларни қўллаш билан эришилади.



# Алоқа тизимининг яширинлиги :

- Махфийлаштириш, шифрлаш, кодлаштириш аппаратларини ва яширин бошқариш ҳужжатларини қўллаш;
- Ўзаро ахборот алмашишида, маълумотларни узатишда қабул қилинган қоида ва тартибларни сақлаш;
- Махфий ахборот алмашинувида иложи борича камроқ одамларни жалб қилиш;
- Алоқа воситаларини тўғри жойлаштириш, уларни ишлаш тартибига қатий риоя қилиш.



ФВДТнинг ҳар бир даражасида  
алоқа ва хабар бериш бўйича  
қуйидагилар амалга оширилади:

1. Республика даражасида.
2. Маҳаллий даражасида.
3. Объект даражасида.

## РЕСПУБЛИКА ДАРАЖАСИДА:

- Республика марказлаштирилган хабар бериш тизимини, шунингдек ахборот билан таъминлаш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва уни доимий тайёр ҳолда сақлаш;
- алоқа, радио, телевидение ва бошқа техника воситаларининг давлат ва идоравий каналларидан бошқариш ва ахборотни узатиш учун марказлаштирилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;
- кимёвий ва бошқа кучли хавфли объектларда ҳамда уларга ёндош ҳудудларда хабар бериш ва ахборотларнинг маҳаллий тизимини, шунингдек, сув омборининг гидротехник иншоотларида сигнализация ва хабар беришнинг маҳаллий автоматлаштирилган тизимларини лойиҳалаштириш ва яратишни назорат қилиш;
- юзага келган ФВлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, мумкин бўлган оқибатлари ҳамда ФВларни бартараф этишга оид қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўпланишини ва алмашилишини ҳамда хабар қилинишини таъминлаш ва назорат қилиш.

# МАҲАЛЛИИ ДАРАЖАСИДА:

- Вилоят ичидаги алоқа ва хабар бериш тизимлари, шунингдек бошқарувнинг ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тизимини ташкил этиш ва доимий тайёр ҳолда сақлаш;
- Бошқариш ва ахборотни узатиш учун алоқа, радио, телевидение ҳамда бошқа техника воситаларининг давлат вилоят ва идоравий каналларидан марказлаштирилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;
- Юзага келган фавқулодда вазиятлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, етказиши мумкин бўлган оқибатлар, уларни бартараф этишга доир кўрилаётган чора тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни хабар қилиш, тўплаш ва алмашишни таъминлаш, ҳамда назорат қилиш.

## ОБЪЕКТ ДАРАЖАСИДА:

- Кимёвий ва бошқа хавфли объектларда хабар қилиш ва ахборотнинг маҳаллий тизимларини, шунингдек гидротехник иншоотларда сигнализация ва хабар қилишнинг маҳаллий автоматик тизимларини яратиш ишларини ташкил этиш;
- Хабар қилиш, ахборот тўплашни таъминлаш ва назорат қилиш, юзага келган фавқулодда вазият, унинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, етказиши мумкин бўлган оқибатлари, ФВни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар ва зарур ёрдам тўғрисида юқори органларга маълумот бериш.



**ПРИКАЗ  
ПРЕМЬЕР-МИНИСТРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН –  
НАЧАЛЬНИКА ГРАЖДАНСКОЙ ЗАЩИТЫ  
№ 3**

« 26 » декабря 2008 г.

г. Ташкент

**ОБ УТВЕРЖДЕНИИ И ВВЕДЕНИИ В ДЕЙСТВИЕ ИНСТРУКЦИИ ПОВСЕДНЕВНОГО  
ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И ИНФОРМИРОВАНИЯ ПО ВОПРОСАМ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ  
СИТУАЦИЙ МЕЖДУ МИНИСТЕРСТВАМИ И ВЕДОМСТВАМИ**

В целях обеспечения постоянной готовности органов и системы управления к действиям по предупреждению и ликвидации чрезвычайных ситуаций, повышения оперативности сбора, обработки обмена и выдачи информации в области защиты населения и территорий, а также введения единой системы своевременного и эффективного взаимного информирования при угрозе или возникновении чрезвычайных ситуаций,

**ПРИКАЗЫВАЮ:**

1. Утвердить и ввести в действие Инструкцию повседневного взаимодействия и информирования по вопросам чрезвычайных ситуаций между министерствами и ведомствами согласно приложению.
2. Министерством и ведомствам, Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г.Ташкента, организациям, независимо от формы собственности, руководствоваться настоящей Инструкцией в повседневной деятельности в период угрозы или возникновения чрезвычайных ситуаций.
3. Считать утратившим силу Перечня информации подлежащей передаче в МЧС министерствами и ведомствами Республики Узбекистан в повседневной деятельности и угрозе возникновения чрезвычайных ситуаций, утверждённый Премьер министром Республики Узбекистан – Начальником гражданской защиты от 10.10.2002г. №05-1-114
4. Контроль за исполнением настоящего приказа возложить на Заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Ханова Н.М. и Первого заместителя Министра по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан Турагалова Т.Д.

**Премьер-министр Республики Узбекистан  
Начальник Гражданской защиты**



**Ш. Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ҳамкорликда ҳаракат қилувчи вазирлик ва идоралар тузилмаларининг фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тезкор ҳаракат қилиш бўйича хабар бериш ва бошқарув Т А Р Х И

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг Фуқаро муҳофазаси бошлиғи


ВАЗИР

Вазирнинг уринбосари

Вазирнинг биринчи уринбосари

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятларда бошқарув Маркази тезкор - навбатчилик хизмати тел. 139-16-85, 234-87-20

Кучайтирилган ёки Фавқулодда вазият Тайёргарлик босқичлари эълон қилинганда




→ хабар бериш  
→ бошқарув  
→ харакатдаги бошқарув пункти






# ХАБАР БЕРИШ ТИЗИМИ П-164 БОШҚАРУВ ПУЛЬТИ ОРҚАЛИ РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА хабар бериш






# Сеть оповещения с использованием АСО и РТУ




Запуск оповещения

Модем



PBX








KB Трансивер CODAN  
NGT SRx



Алоқа тизимида хозирги кунда  
Codan 2110 серияли портатив  
трансивер алоқасидан кенг  
фойдаланилмокда.

**Радиорелели алоқа** - ультрақиска тўлқинли (УҚТ) диапазон электромагнит тўлқинлари ёрдамида амалга ошириладиган алоқадир. УҚТ диапазонида УҚТ тўлқинлари тарқалиш хусусияти туфайли ишончли радиоалоқа фақатгина бевосита кўринадиган масофаларда бўлиши мумкин, алоқа масофасининг орттирилиши оралиқ станцияларни қўллаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.
















### 3. ХАБАР БЕРИШ СИГНАЛЛАРИ ВА УЛАРГА БИНОАН АҲОЛИНИНГ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ.

Алоқа ва хабар беришни таъкил этиши.

Фуқаро муҳофазаси ҳавф - хатар ҳақида ёки унинг юз бериши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида хабар ва маълумот беришдан бошланади.

Аҳолига хабар бериш - бу юзага келиши мумкин бўлган, zilзила, сув босиши, ёки бошқа табиий офатлар ҳақида огоҳлантириш бўлиб, ўтган авария, катастрофалар ҳақида хабар беришдир.





Хабар бериш аҳолига тушунарли аввалдан белгиланган шартли сигналлардан (сирена овози, корхона ва муассасалардан бериладиган сигналлар) бошланади. Мақсад аҳолини эътиборини инсонлар ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи қандайдир вазият содир бўлиши мумкинлигига қаратиш ва бундай вазиятларда ҳаракат тартибини тушунтиришдан иборат.



## Фавқулодда вазият юз берган жойда аҳолига хабар бериш тартиби.

Радиоэшиттириш ва телевидения (жўр овоз бўладиган радиоузатгичларни ҳам қўшиб) республика аҳолисига хабар бериш ва оммавий ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади.

ФМ хабар бериш сигналлари орқали, заҳарланиш ва ҳалокатли сув босиш хавфи ҳақидаги огоҳлантириш, шунингдек юзага келган ҳатти-ҳаракат тартиби ҳақидаги ахборотни республика (маҳаллий) эшиттиришларида овозли хабар тарзида аҳолига етказилади.

ФМ хабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот бутун ҳудудга ҳам, шунингдек ҳудудларни танлаб олиб (вилоят туманини) ҳам берилиши мумкин.



Масалан кимёвий хавфли объектда авария содир бўлганда қуйидагича хабар берилади: “Диққат барчага!!! Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (шаҳар бошқармасидан, бўлимидан) гапирамиз... (манзилда) Кимё комбинатида кучли таъсирчан заҳарли модда - хлор тарқаб, авария содир бўлди. Заҳарланган ҳаво булути ...

**DIQQAT BARCHAGA!**

"DIQQAT BARCHAGA!" signalini eshitgach, darhol televizor, radiopriyomnikni yoqish va FV xavfi yoki sodir bo'lganligi, keyingi harakatlar to'g'risidagi axborotni tinglash lozim



Favqulodda vaziyat sodir bo'lganda vahimaga tushmaslik, vaziyatni to'g'ri baholash, asoslangan qaror qabul qilish va unga muvofiq harakat qilish kerak!



Йўналишида тарқала бормоқда. Қуйидаги шаҳар кварталлари ва вилоят аҳоли пунктлари кимёвий заҳарланиш зонасида қоладилар. Заҳарланиш зонасига тушиб қолган фуқаролар уйларидан, муассаса, корхона, ўқув юртларидан дарҳол чиқсинлар шамол йўналишига перпендикуляр, энг қисқа йўл билан хавфсиз жойларга ўтсинлар. Ташқарига чиқишдан олдин ҳўлланган ёки 2% ли ичимлик сода эритмаси шимдирилган пахтали дока боғич нафас олиш учун оғиз буринларига тақиб олингллар.

Кимёвий заҳарланиш ёки ҳалокатли сув босиши хавфи ҳақида КТЭЗМ бор объектларнинг диспетчерлари (смена муҳандислари) тўғридан тўғри уланган симлар (радиостанциялар) ёрдамида вилоятларнинг тезкор навбатчиларига хабар беради.

Шундай қилиб, ФВ хавфи борлиги ёки юзага келиши ва аҳолини хатти -ҳаракатлари ҳақидаги ахборотни тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида етказиш хабар бериш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, унга оммавий ахборот воситалари бошқарув пунктларини, нозимлик хизматларини мос аппаратлар, хабар бериш маътинлари ёзилган аудио ва видео тасмалари билан аввалдан таъминлаб бериш орқали эришилади.



**УЗГИДРОМЕТ**

**ЦУКС МЧС**



**Другие  
операторы  
мобильной  
СВЯЗИ**

**НАСЕЛЕНИЕ**

# Уяли алоқа телефонида хизматларни чақириш тартиби

MTS компанияси абонентлари учун \*01

BEELINE компанияси абонентлари учун #01

PERFECTUM компанияси абонентлари учун 01

UCCELL компанияси абонентлари учун 010



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ**



1. ФВДТ раҳбарлари аҳоли ва ҳудудларни ФВлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар ҳақида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида улардан аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари “шарт” деб қайси қонун ҳужжатида белгилаб қўйилган?

- А. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”.
- В. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”.
- С. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги 427-сонли Қарори.
- Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги 558-сонли Қарори.

## 2. Фуқаро муҳофазаси соҳасида ахборот ва огоҳлантириш бўйича фуқаролар қандай ҳуқуқларга эгалар?

- А. ФВДТ тизимининг ҳолати ҳақида маълумот олиш.
- В. Хавфнинг даражаси ва муҳофаза чоратадбирлари тўғрисида маълумот олиш.
- С. Душманнинг куч ва воситалари тўғрисида маълумот олиш.
- Д. ФВДТ тизимининг тайёрлиги тўғрисида маълумот олиш.



### 3. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотларни йиғиш, ишлаб чиқиш, алмашиш ва бериш қайси буйруққа асосан бажарилиши амалга оширилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг аҳоли ва ҳудудларни ФВлардан муҳофаза бўйича келгуси йил асосий тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.
- В. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда вазирининг биринчи ўринбосари – Бош штаб бошлиғининг 2008 йил 8 апрелдаги «Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳолатини текшириш бўйича услубий қўлланмани амалга киритиш тўғрисида»ги 45-сонли буйруғи.
- С. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2008 йил 26 декабрдаги «Вазирликлар ва идоралараро кундаликда ҳамкорлик қилиш ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ахборот алмашинуви Йўриқномасини тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида»ги 3-сонли буйруғи.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.



## 4. Алоқани йўқотиш – бу....

- А. Тезкор бошқарувни йўқотишга олиб келади.
- В. Мувозанатни йўқотишга олиб келади.
- С. Бирдамликни йўқотишга олиб келади.
- Д. Алоқа воситаларини ишламаслигидир.

## 5. Алоқа ва хабар бериш тизимининг барқарорлиги:

- А. Унинг техник характеристикаларини белгилаган тартибда сақлаш.
- В. Алоқа воситаларини тўғри жойлаштириш.
- С. Унинг таъмирланиши.
- Д. Унинг ФВларнинг шикастловчи омиллари таъсирида ҳам ўзининг ишлаш қобилиятини йўқотмаслиги.

## 6. Алоқа воситалари ва хабарлаш тизимига қўйиладиган талабларни кўрсатинг.

А. Талабчанлик, мустаҳкамлик, ўз вақтидалилиги, ишончлилиги.

В. Барқарорлик, ҳаракатчанлик, ўз вақтидалилиги, ишончлилиги, яширинлилиги.

С. Чиройлилик, замонавийлик, ҳаракатчанлик.

Д. Маскировка қила олишлик, Талабчанлик, ўз вақтидалилик.



# 7. Алоқа ва хабарлаш тизимининг ўз вақтидалиги бу....

- А. Унинг белгиланган вақтда сигнал ва маълумотларни жўнатиш ва қабул қилиш қобилияти.
- В. Унинг бошқаришдаги тезкорлиги ва барқарорлиги.
- С. Маълумотни қисқа вақтларда ўзлаштирилиши.
- Д. Алоқа узеллари қисмларини ҳимоя иншоатларига жойлаштирилиши.

## 8. Алоқа ва хабарлаш тизимининг ишончлилиги деганда нимани тушунасиз?

- А. Махфийлаштириш, шифрлаш, кодлаштириш аппаратларини қўллаш.
- В. Тезкор -техник хизматини аниқ ташкил этилиши
- С. Ўзаро гаплашиш ва кўрсатув олиб бориш бўйича қабул қилинган қоидаларга риоя қилиш.
- Д. Жўнатилаётган маълумотларни белгилаган аниқликда узатиш.

## 9. Алоқа ва хабарлаш тизимининг яширинлиги деганда нимани тушунасиз?

- А. Ахборот алмашинувида унинг мазмунини, узатилаётган жойини душман аниқлашидан сақлана олиш қобилияти.
- В. Алоқа воситаларининг муҳофаза иншоотларига жойлаштириш.
- С. Алоқа узелларини қўриқлаш.
- Д. Алоқа тизимини дезинформацияга қарши чора-тадбирлар ўткази олиш қобилияти.



# 10. Сирена овози қандай маънони англатади?

- А. "Ҳаво тревогаси"
- В. "Эҳтиёт бўлинг"
- С. "Диққат барчага"
- Д. "Ёнғин хавфи"